



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT BOJXONA QO'MITASI RAISING
BUYRUG'I

2022 yil “15” dekabr

Toshkent shahri

№ 299

**Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 4 августдаги
522-сон буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги “2021 – 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-6181-сон Фармони ҳамда 2018 йил 14 июлдаги “Давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПК-3837-сон қарорига мувофиқ Давлат божхона хизмати органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши (кейинги ўринларда – жамоатчилик кенгаши) фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Давлат божхона қўмитасининг “Давлат божхона хизмати органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши низомини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 4 августдаги 522-сон буйруғига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. ДБҚнинг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими (Х.Тангриев) томонидан жамоатчилик кенгаши фаолияти ташкилий-услубий ва ахборот жиҳатдан таъминлаб борилсин.

3. ДБҚнинг марказий аппарати таркибий тузилмалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўйича бошқармалари, “Тошкент-АЭРО” ИБК (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар), Марказий божхона лабораторияси, Божхона институти бошлиқлари ва Миллий кинология маркази директори томонидан жамоатчилик кенгаши сўровларига кўра зарур маълумотлар, статистик ҳисоботлар ва материалларнинг ўз вақтида кенгашга тақдим этишлари таъминлансин.

4. ДБҚнинг Юридик бошқармаси (А.Дўстёров), ҳудудий бошқармалар, Марказий божхона лабораторияси, Божхона институти ва Миллий кинология марказининг юридик хизматлари томонидан ушбу буйруқнинг туркумлаштирилган ҳисоби юритилсин.

5. Буйруқ ижроси таъминланиши ДБҚнинг Жамоатчилик кенгаши (Д.Кудриддинов), Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими (Х.Тангриев), ҳудудий бошқармалар, Марказий божхона лабораторияси, Божхона институти бошлиқлари ва Миллий кинология маркази директорига, умумий назорати Раис ўринбосарлари зиммасига юклансин.

**Раис,
божхона хизмати генерал-майори**



А. Мавлонов

**Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 4 августдаги
522-сон буйруғига киритилаётган ўзгартиришлар
РЎЙХАТИ**

1. 1-иловада:

а) 13-бандда:

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Жамоатчилик кенгаши умумий аъзолари сони 15 нафардан кам бўлмаслиги зарур.”;

қуйидаги таҳрирдаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Жамоатчилик кенгаши таркибининг камида 50 фоизини нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ташкил этиши лозим.

ДБКнинг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими жамоатчилик кенгашининг ишчи органи ҳисобланади ва унинг фаолиятини ташкилий-услугий ва ахборот жиҳатдан таъминлайди.”;

б) 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“14. Жамоатчилик кенгашларининг таркиби Жамоатчилик палатаси билан келишилгандан сўнг ДБК Раисининг буйруғи билан ҳар 2 йилда тасдиқланади.”;

2. 2-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳузуридаги
жамоатчилик кенгаши таркиби**

1. Д.Кудриддинов – Жамоатчилик кенгаши раиси, Ўзбекистон божхона хизмати фахрийлари Уюшмаси аъзоси
2. И.Ачилов – Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Фахрийлар маркази кенгаши аъзоси
Жамоатчилик кенгаши аъзолари
3. Э.Раззаков – Ўзбекистон божхона хизмати фахрийлари Уюшмаси аъзоси
4. Б.Турсунов – Ўзбекистон божхона хизмати фахрийлари Уюшмаси аъзоси
5. С. Алимбаев – Ўзбекистон божхона хизмати фахрийлари Уюшмаси аъзоси

6. С.Исмаилова – Ўзбекистон божхона хизмати фахрийлари
Уюшмаси аъзоси
7. Ш.Низомов – Ўзбекистон божхона хизмати фахрийлари
Уюшмаси аъзоси
8. Э.Халилов – Божхона брокерлари уюшмаси раиси
ўринбосари
9. Б.Абибуллаев – Давлат солиқ қўмитаси бўлим бошлиғи
10. Б. Ибадуллаев – Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Суд,
ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат
органлари билан ҳамкорлик қилиш
бошқармаси бошлиғи
11. Б.Равшанов – Транспорт вазирлиги Халқаро ташувлар
ва экспортни ривожлантириш бошқармаси бош
мутахассиси
12. С.Абдуллаев – “Uzbekistan airways” АЖ акциядорлар билан
корпаратив алоқалар бўлими бошлиғи
13. З.Исматуллаева – “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ фахрийси
14. Ҳ.Тангриев – ДБК Жамоатчилик ва оммавий ахборот
воситалари билан алоқалар бўлими бошлиғи
в.в.б.
Жамоатчилик кенгаши котибаси
15. А.Заирова – ДБК Жамоатчилик ва оммавий ахборот
воситалари билан алоқалар бўлими Бош
инспектори

Изоҳ: Жамоатчилик кенгашининг раиси, жамоатчилик кенгаши раисининг ўринбосари ва қолган аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, кенгаш таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан Жамоатчилик кенгашига қўшимча мутахассислар жалб этилиши мумкин.”.